

Ўрдак ўз сўзларини шундай бошлади:

— Эй саодатли зот! Менинг хаётим сув билан тирик. Ундан айриликка тушсам, худди сувдан йирок тушган балик каби кайгуга ботаман. Зотим сув ичида таскин топиб келди, шунинг учун ҳам ўзимни пок тутиб юришни одат қилиб олганман. Сув туфайли покликни қозондим, шунинг учун ҳам васфига хусн эгаси лойик бўлди. Агар бир лахза тиник сув ичида бўлмасам, унинг фуркатида юз можаро қилгим келади. Сув ичида мавждан жойнамоз соламан ва ўша кўзгуда мақсадим юз кўргизади. Менинг асл мақсадимга етмоқлик сувдадир, бас, шундай экан, бошқа ёкка ўчиб кетмоқлик мен учун хатодир.

Худхуднинг Ўрдакка жавоби

Худхуд шундай деди:

— Айтган сўзларингнинг ҳаммаси хатодан иборат. Сенинг аклингни сув мутлако ювиб кетибди. Сувда жойнамоз солдим дединг, Бойўгли холидан балки гофил эдингми?! Мен сувда доимо покман деб лоф урма! Сувда ўзингни гунохлардан холи деб ҳам ҳисоблама! Агар чиндан ҳам пок бўлсанг, унда нега кеча-кундуз сувга шўнгийсан?! Кимки ўз нафси учун фиск тухмини сепса, улардан кутулмоқ учун сувга шўнгийди. Ахир бу қандай гап, қандай холки, сен тун-кун сувга шўнгиғину пок бўлмасанг. Агар хақиқий эр бўлсанг, олдинда фано (йўқлик) денғизи турибди, унга шўнгиғину ўзингни ёрга ошно қил!

Хикоят

Хинд денғизида бир савдогар бор эди. У савдо-сотик ишларида жуда мохир эди. Унинг димоғига савдо мояси ўрнашиб олиб, сувга гарк бўлиш хаёлига ҳам келмасди. Бир мамлакатда ўн кун турмас, савдоси тугагач, яна сув сари йўл тутар эди. У денғизни ҳар хил офатлардан холи деб ўйлаб, йиллар шу янглиғ сафар қилди. У Макка атрофини сувда неча бор айланиб ўтган бўлса-да, унинг яқинига етгач, ўз фарзииви адо этмай қайтарди. Кишилар унга ҳажни ҳам бажариш керак, деб айтар эдилар. Аммо пул хирси савдогарни у томон боришга йўл қўймас эди. ,

Бир кун денғизда бўрон кўтарилди. У тушган кема гох осмонга сапчир, гох пастга тушиб кетар эди. Савдогар савдо ишларига гарк бўлганидек унинг кемаси ҳам денғизда гарк бўлди. Денғизда сузиш хаёли ҳаж сари йўл бермади. Охир-оқибатда у катта бир баликка ем бўлди.